



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 41 [14.092]

Баҳоси эркин нарҳда

АҲОЛИ ВА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март куни коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

— Бугунги шароитда саноат корхоналари, тадбиркорлар ва экспортёрлар биздан аниқ ва самарали чоралар кутмоқда. Шу боис иқтисодиётда ҳисоб-китоб қилинаётган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира яратиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Президентимиз коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида Фармон қабул қилди. Хужжатга асосан, Инқирозга қарши жамғарма тўзилиб, унда 10 триллион сўм шакллантирилади.

Йиғилишда Фармонда белгиланган долзарб вазифаларни амалга ошириш, пандемиянинг иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатиш масалалари муҳокама қилинди.

Коронавирус тарқаланишининг олдини олиш, шифохоналари дори, химоя ва диагностика воситалари билан таъминлаш, карантин харажатларини ўз вақтида молиялаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ўртимизда коронавирусга қарши курашиш ишлари қарийб 5,5 минг нафар тиббиёт ходимлари жалб этилган. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб, ойлик маошига қўшимча 120 фоиз устама тўлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Касалланганларни ўз вақтида аниқлаш ва профилактикага эътиборни кучайтириш, бунинг учун барча ҳудудий юқумли касалликлар шифохоналарини экспресс-тестлар билан таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияга карантинга олинган фуқаролар назоратини таъминлаш юклатилди.

Коронавирус таъсири энг оқори бўлган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет ссудалари ажратиш юзасидан вазифалар белгиланди.

Масалан, меҳмонхона бизнесида 90 миллиард

сўмлик, транспорт-логистика соҳасида 650 миллиард сўмлик, умумий овқатланиш муассасаларида 180 миллиард сўмлик, ташқи савдо корхоналарида 3,6 триллион сўмлик кредитларни қайтариш имконияти пасаймоқда. Туристлик фирма ва меҳмонхоналар ҳар бир сайёҳ учун кунига 2-3 доллардан туризм йиғими тўлаб келмоқда.

Шу боис ушбу корхоналарнинг кредит муддатларини узайтириш, туристик йиғимлар ундиришни вақтинча тўхтатиш бўйича кўрсатма берилди. Ҳокимларга иқтисодий қийинчиликка дуч келган корхоналардан маҳаллий солиқларни ундиришни 6 ойгача кечиктириш ваколати берилди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, пандемия сабабли фаолиятини тўхтатган тадбиркорларга банклар орқали фоизсиз бюджет ссудалари ажратилди. Ҳокимларга иқтисодий қийинчиликка дуч келган корхоналардан маҳаллий солиқларни ундиришни 6 ойгача кечиктириш ваколати берилди.

Шунингдек, яқна тартибдаги тадбиркорларнинг даромад солиғи, фермерларнинг сув солиғи 50 фоизга камайтирилади. Бунда маҳаллий бюджетдаги йўқотишлар республика бюджетидан қоплаб берилди.

Йил якунига қадар солиқ текширувларига мораторий эълон қилинди ва қийналган корхоналарга солиқ қарзлари учун пеня ҳисоблаш тўхтатилади. Бундай қийин шароитда тадбиркорни бирорта текширувчи безовта қилмайди.

Халқаро савдодаги вазиятни инобатга олиб, экспорт-импорт бўйича кечиктирилган қарздорликка жарима қўлланмаслик, "яшил йўлак"лардан маҳсулот ўтказишни қўлпайтириш, юк ташишда юзага келаётган масалаларни оператив ҳал этиб бориш бўйича топшириқлар берилди.

— Ҳозирги ҳолатда баъзи корхоналарнинг солиқ тушадиған базаси камайиши табиий. Лекин бу камомад нима ҳисобидан қопланиши бўйича мутасаддиларда кундалик таҳлил ва сўров бўлиши шарт, — деди Президент.

Йиғилишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Карантинга ёпишган муассасалар ходимлари, карантиндаги фу-

қаролар ва уларга қаровчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий нафақа олувчилар сонини камида 10 фоизга ёки 60 мингтага ошириш бўйича вазифалар қўйилди.

Карантиндаги фарзандларига қараётган ота-оналарни ишдан бўшатишга мутлақо йўл қўйилмайди. Уларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси юз фоиз тўлаб берилди.

Мақтабача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари фаолияти тўхтаб турган даврда тарбияланувчилар ва бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга йиллик меҳнат таътилидан фойдаланишининг йиллик режасидан қатъи назар йиллик меҳнат таътили тақдим этилади.

Иқтисодий фаоллик пасайган пайтда аҳоли бандлиги масаласи алоҳида эътибор талаб этади. Шу боис Инқирозга қарши жамғармадан Жамоат ишлари жамғармасига қўшимча 200 миллиард сўм ажратилди. Ушбу маблағлар одамларни иш билан таъминлаш, бунинг учун маҳаллаларда қўшимча инфратузилма объектлари қуришга йўналтирилади. Шунингдек, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 500 миллиард сўм қўшимча маблағ берилиб, иш ўринлари яратадиган бизнес субъектларга кўмаклашилади.

Мазкур чора-тадбирларни сифатли бажариш мақсадида Бош вазир раҳбарлигида Инқирозга қарши республика комиссияси тузилиши белгиланди. Ушбу комиссия 22 мартдан бошлаб икки ой давомида ҳар бир туман ва шаҳарда коронавирусга қарши курашиш, саноат, хизмат кўрсатиш, савдо, транспорт, логистика ва бошқа корхоналарни барқарор ишла-тиш масалаларини ҳал қилиб боради.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасига бозорлардаги нарҳнашонинг ўзгаришини кузатиб бориб, мавжуд захирадан қўшимча маҳсулотларини савдога чиқариш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

Долзарб мавзу

ЭЛДАН ДАРД КЕТГУСИ БИРЛАШСА УЛУС

Дунё эшиклари кенг очилган замонда яшаймиз. Дунёни кўраймиз, янада яхшироқ билаямиз. Шу билан бирга, дунё ҳам бизни тобора кўпроқ танияпти, эътибор бераяпти, биз дунёдан, дунё биздан ўрганаёпти.

Ха, дунё билан тиллашувнинг афзалликлари кўп, муаммолари ҳам йўқ эмас. Нена ойлари, бутун дунё ахли диққатини ўзига тортган, хавотирга солган корона-вирус пандемияси, таъбир жоиз бўлса, ана шундай бир сино-нов бўлди. Бугун бу синонови биз, ўзбекистонликлар ҳам бошдан кечираёмиз.

Албатта, эндиликда бундай сино-новларни ҳам ҳаёт ҳақиқати си-фатида қабул қилишимиз, шу билан бирга ўзбек халқига хос юк-сак ирода ва матонат, бирлик ва аҳиллик билан уни енга били-шимиз лозим.

Халқимизда "Ботқоқ ернинг кенглиги бақага яхши", деган ҳикмат бор. Таассуфки, шов-шувга ўч, озғига кучи етмайди-ган айрим устаси фаранглар мав-жуд ҳолатдан фойдаланиб қолишга уриниб, ижтимоий тар-моқлар ва хориждаги айрим ОАВ-да отларига қамчи уришга чо-ғландилар: фалон ерда чирганг санбазавот сотишибди, анави кат-та савдо растаси бўм-бўш бўлиб қолибди, унинг нархи кўтари-либди, картошка фалон сўм бўлиб кетибди...

(Давоми 2-бетда)



Мамлакатимизда 2021 йил 1 январга қадар тадбир-корлик субъектларини фаоли-ятини солиқ аудитидан ўтка-зиш тўхтатилиб, жисмоний шахсларнинг хайрия ташки-лотларидан олинадиган маб-лағлари солиқдан озод этила-ди.

Ўзбекистонда "Ўзбекнефт-газ" ва "ERIELL" компанияла-ри бешта янги қудуқни фой-даланишга топширди.

Сергели туманида электр таъминоти корхонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Самарқанд халқаро аэро-порти дезинфекция қилинди. Вируснинг олдини олиш учун дезинфекция тадбирлари до-ирасида бугун санитария-эпидемиология осойишталик маркази ходимлари Самарқ-анд халқаро аэропортида бўлишди. Аэропортнинг бар-ча ерлари тўлиқ дезинфекция қилинди. Ҳозирда парвозлар амалга оширилмаётган бўлса-да, Самарқанд халқа-

ро аэропорти иш фаолияти-ни давом эттирмоқда ва пар-возларни қабул қилишга тай-ёр ҳолатда.



Италияда коронавирус оқибатида ҳалок бўлганлар сони 3405 нафарга етди. Хи-той соғлиқни сақлаш комис-сиясининг сўнги маълумотла-рига кўра, мамлакатда 3245 нафар одам коронавирус ин-фекцияси туфайли ҳалок бўлган. Жаҳон соғлиқни сақ-лаш ташкилоти маълумотла-рига кўра, Италия умумий ка-салланган сонидан ташқари барча жабҳаларда биринчи

Муносабат

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРТИҚЧА ХАРАЖАТЛАРНИ КАМАЙТИРАДИ

Бугунги кунда рақамли билим ва замонавий ахборот технологиялари тараққийга эришишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Рақамли технологиялар давлат ва жамият бошқару-вини тақомиллаштириб, иж-тимоий соҳада катта қулай-лик яратди. Бундан ташқари, иқтисодий ўсишга замин яратиб, маҳсулот ва хизмат-лар сифатини оширади, ор-тиқча харажатларни камайти-ради. Яна бир муҳим афзал-лиги — коррупцияга чек қўяди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисиغا Мурожаатно-масида иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ра-қамли технологияларни кенг

жорий этиш энг устувор ва-зифа сифатида кўрсатилган эди. Бу борада "Илм, матри-фат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ва ҳаёт си-фатининг барқарор яхшилани-шини таъминлаш, "Рақамли иқтисодиёт"ни ривожланти-риш учун қулай муҳит яратиш мақсадида Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг "Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғри-

сида"ти қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан 2020-2021 йилларда жорий этила-диган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар рўйха-ти, "Рақамли Тошкент" комп-лекс дастурини амалга оши-риш бўйича чора-тадбирлар режаси, 2020 йилда телеком-муникация инфратузилмасини кенгайтириш бўйича лойиҳа-лар рўйхати, 2021-2023 йил-ларда истиқболли ахборот ти-зимлари ва дастурий маҳсу-лотлар рўйхати тасдиқланди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда, шу жумладан, инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолиятини тўхтатиш орқали мисли қўрилмаган чоралар қўрилмоқ-да.

Бу эса энг йирик иқтисодиёт-га эга мамлакатларда ишлаб чи-қариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал иш-лаб чиқариш завоқлари ва сав-до алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нарҳининг пасайи-ши ва конъюктуранинڭ ёмон-лашувини келтириб чиқарди.

Глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омил-лар таъсир қилмоқда, бу эса ўз навбатида ушбу ҳолатнинг сал-бий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар қўришни талаб қилади. Бунда туризм, транспорт, фар-мацевтика ва тўқимачилик сано-ати каби республика иқтисоди-ятининг жадал ривожланмаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъ-минлашга алоҳида эътибор қар-атиш зарур.

Коронавирус инфекцияси тар-қалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар дав-рида макроиқтисодий барқарор-лиқни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлаши-ни таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳо-лини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси да-ромадлари кескин пасайиб кети-шининг олдини олиш мақсади-да:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юри-дик шахс ташкил этилган ҳолда, 10 трлн. сўм миқдоридан Ин-қирозга қарши курашиш жа-мғармаси (кейинги ўринларда — Инқирозга қарши курашиш жа-мғармаси) ташкил этилсин.

Куйидагилар Инқирозга қар-ши курашиш жамғармаси маб-лағларидан фойдаланишининг асосий йўналишлари этиб бел-гилансин:

а) коронавирус инфекция-сининг тарқалишига қарши курашиш бўйича куйидаги тадбирларни молиялаштириш, шу жумладан:

— даволаш ва бошқа муассаса-ларини коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий бўюмлар, химоя воситалари ва тест тизи-млари билан таъминлаш;

— хавф-хатар остида бўлган ёки вирус юқтирилган билан муло-қотда бўлган шахсларни каран-тинда сақлаш билан боғлиқ хара-жатларни қоплаш;

— коронавирус инфекцияси тар-қалишига қарши курашишда иш-тирок этаётган тиббиёт ходимла-рини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидеми-ология хизмати томонидан химоя чораларини амалга ошириш хара-жатлари учун қўшимча маблағ-лар ажратиш;

— юқумли касалликларни аниқ-лаш, профилактика қилиш ва да-волаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ва бошқа муас-сасаларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳоз-лаш;

б) куйидагилар орқали тад-биркорликни ва аҳоли банд-лигини қўллаб-қувватлаш:

— республика ҳудудларида иқти-содий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳа-ларини амалга ошириш, шунинг-дек, энг аввало, кичик саноат зо-наларида муҳандислик коммуни-кацияларини қуриш;

в) аҳолини ижтимоий қўл-лаб-қувватлашни кенгайти-риш, шу жумладан, куйидагилар учун қўшимча маблағлар ажра-тиш:

— Ўзбекистон қасаба уюшма-лари Федерацияси Кенгаши орқа-ли кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-ларни кучайтириш ва нафақа олувчилар сонини ошириш;

— Ўзбекистон Республикаси Банд-лик ва меҳнат муносабатлари ва-зирлиги ҳузуридаги Жамоат иш-лари жамғармасига жамоат иш-ларини кенгайтириш;

— "Ишга марҳамат" мономарка-зларини ва касбга тайёрлаш мар-казларини ташкил қилиш, шунинг-дек, меҳнат мигрантларини касб-га ва тилга ўргатишни ташкил-лаштириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш;

г) куйидагилар орқали иқти-содий тармоқларнинг бар-қарор фаолият юртишини таъминлаш:

— Ўзбекистон Республикасининг давлат қафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражада харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

— ташқи савдо фаолиятини амал-га оширувчи тадбиркорлик субъектларини транспорт хара-жатларининг бир қисmini ком-пенсация қилиш;

— коронавирус инфекцияси тар-қалишининг салбий таъсирига энг кўп учрайдиган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини, шунинг-дек, кредит портфели сифа-ти ёмонлашган ҳолларда тижо-рат банклари қўллаб-қувват-лашининг қўшимча чораларини тақдим этиш;

— уч йилгача бўлган муддатга фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали солиқ тўлаш муддатлари бўйича кечиктириш тақдим этилиши ҳамда тадбир-корлик фаолиятининг сустлаши-ши муносабати билан Қорақал-поғистон Республикаси бюдже-ти, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида олинми-қолиндиған даромадлар ўрнини тўлдирин.

2. Инқирозга қарши курашиш жамғармаси манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат буюди таъминоти (шу жумла-дан, харажатларни мақбуллашти-риш ҳисобига), халқаро молия институтларининг имтиёзли кре-дитлари ва қонун билан тақиқ-ланмаган бошқа манбалар бел-гилансин.

Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси:

— Ўзбекистон Республикаси Дав-лат буюди ва Инқирозга қарши курашиш жамғармасини молия-лаштиришни таъминлаш мақса-дида 2020 йилда бюджетни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг имтиёз-ли кредитлари ва бошқа манба-лар ҳисобидан 1 млрд. АҚШ долларини миқдоридан ташқи қарз маблағларини, шунингдек, иқти-содиётнинг реал сектори корхо-налари, экспорт қилувчилар ва тижорат банклари қўллаб-қув-ватлаш бўйича чора-тадбирлар-ни молиялаштириш учун қўшим-ча маблағларни жалб қилиш чо-раларини кўрсин;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

икки ҳафта мuddатда солиқ ва боxxона маъмуричилигини такомиллаштириш орқали ишга солинмаган захираларни излаб топиш, ҳисобланган солиқлар тўлиқ тўланишини таъминлаш, "аширин" иқтисодийни қисқартириш ҳамда солиқ ва боxxона маъмуричилигининг янги самарали шакллари жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар ойда комплекс чора-тадбирлар ижроси ҳамда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил 1 июнга қадар юзага келмаган макроиктисодий вазиятни, шунингдек, қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетди параметрларини аниқлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин:

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, жумладан, кичик саноат зоналарида муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш учун имкониётларни тақдим этувчи янада устувор бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга маблағларни қайта йўналтирган ҳолда Инвестиция дастурини қайта кўриб чиқсин:

Инқирозга қарши курашиш жамғармасини ташкил этиш ҳамда тадбиркорликни ва аҳолининг иқтисодий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш учун ҳаражатларни ошириш;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2020 йилда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзларининг чегаравий ҳажмларини қайта кўриб чиқсин;

қўшимча ҳаражатларни мақбуллаштириш ва чеклаш юзасидан аниқ тақлифларни киритган ҳолда қатъий бюджет интизоми.

4. Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси иловага мувофиқ тарихида ташкил этилсин.

Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб коронавир инфекцияси тарқалишига қарши курашишга бошқа глобал хавф-хатарлар даврида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг зулуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича юзага келадиган муаммоларни масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгилансин.

Вазирлар Маҳкамаси икки кун мuddатда тегишгина Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бошчилиги қилидиган Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг ҳудудий штабларини уларнинг аниқ функция ва вазифаларини белгиланган ҳолда ташкил этсин.

Барча даражадаги раҳбарларнинг идоравий мансуб ташкилотларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг юзага келган муаммо ва қийинчиликларини ҳал этиш мақсадида қилган муносабатлари алоҳида эътибор қаратиш, расмий таълим, сансалорлик ва бюрократизмга йўл қўйилмаслиги юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

5. Белгилансинки: а) 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда: яқка тартибдаги тадбиркорлар учун иқтисодий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтирилади;

алкоголь махсулотларининг улгурчи савдоси билан шугулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдори 5 фоиздан 3 фоизга пасайтирилади;

умумий оқватларни корхоналар учун алкоголь махсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғимлар миқдори белгиланган миқдорлардан 25 фоизга камайтирилади;

б) 2020 йил 1 апрелдан 1 июлгача бўлган даврда туристик (мехмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади;

в) қишлоқ хўжалигидаги ерларни сўғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилади;

г) 2019 йил учун жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш мuddати 2020 йил 1 августга қадар узайтирилади;

д) жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш мuddати 2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 апрелдан жисмоний шахслар томонидан ҳайрия ташкилотларидан моддий наф тарзда олинадиган даромадларини солиққа тортишдан озод қилиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта мuddатда маъмури бандда белгиланган имтиёз 2020 йил 1 апрелдан амалга киритишни назарда тутиб "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларида тегишли солиқларни тўлаш мuddатларини ўзгариштириш, шунингдек, уларнинг ставкаларини камайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари фаолияти туризм соҳасига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган яқка тар-

тибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини 30 фоизга камайтириш тасвифи қилинсин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фозиларни ундирмасдан 6 ойга кенчириши (булиб-булиб тўлаш) тақдим этсин. Бунда, кўрсатиб ўтилган солиқларни тўлашни кенчириш (булиб-булиб тўлаш) солиқ тўловчиларнинг аризаси, шунингдек, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг ҳулосалари асосида, бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда тақдим этилади.

8. Белгилансинки, 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда: ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилади;

солиқ органлари вақтинча қийинчиликлари бошдан кечириётган хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланганини тўхтатиб турди, шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўрмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси: замонавий ахборот технологияларини қўллаш ҳамда дастурий махсулотлар ишлаб чиқаришга иқтисодсизлашган компанияларни жалб қилиш йўли билан солиқ ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим этишда "Солиқ хизмати" ДУК орқали солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;

солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органларига ташриф буюрмадан солиқ мажбуриятларини бажариши учун уларга масофадан хизмат кўрсатишни кенгайтириш чораларини кўрсин.

10. 2021 йил 1 январига қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилади, жиноят ишлари доирасида ва юридик шахсни тугатиш муносабати билан солиқ аудитидан ўтказиш бундан мустасно.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақил билан биргаликда давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қатъий риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

11. Тадбиркорлик субъектларига: ҳисобот йилда амалга оширилган товарларнинг умумий экспортини нисбатан 10 фоиздан ошмаган мuddати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда, қафолланган тўловни таъминлашдан товарлар экспортини амалга оширишга;

2020 йил давомида ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлигини сўндириш эвазига технология асбоб-ускуналар ва хом ашё товарларини импорт қилиш бўйича бир марталик операцияларни амалга оширишга рўхсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат боxxона қўмитаси Транспорт вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Устандарт" агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Усиликлар қарантини давлат инспекцияси билан биргаликда:

юкларни чегара боxxона постлари орқали тезкорлик билан ўтказиш, уларнинг зулуксиз боxxона расмийлаштирувини, шунингдек, экспортга импорт қилинаётган товарларга рўхсат бериш чўжатларининг берилишини таъминлаш бўйича тезкор штаб ташкил этсин;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб, импорт қилинадиган озиқ-овқат махсулотларининг тезкор тартибда, шу жумладан, рўхсат бериш чўжатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтариб келгунга қадар бериш орқали боxxона расмийлаштируви механизмининг жорий этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ҳафта мuddатда глобал ишлаб чиқариш занжирлари, транспорт-логистика тизимлари ва савдо алоқаларидаги узил-пилишлар таъсир қилаётган инвестиция лойиҳалари ташаббусдорларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар юзасидан тақлифлар киритсин.

14. Худуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси икки ҳафта мuddатда экспорт қилувчиларни манзилли қўллаб-қувватлашнинг тасвирчан чора-тадбирларини тасдиқласин, шунингдек, барча мулкчилик шаклидаги экспорт қилувчиларнинг юзага келмаган қийинчиликларини ўз вақтида аниқлаш ва тезкор ҳал қилишни таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган республика ҳудудларидаги қуйидагиларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашни назарда тутиб 2020 йилга қўшимча инфратузилма лойиҳалари рўйхатини шакллантирсин:

кичик саноат зоналари инфратузилма объектлари учун - 400 млрд. сўм миқдорига;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари қўчалари, умумий фойдаланишдаги йўлларни жорий таъмирлаш учун - 1 трлн. сўм;

сув таъминоти ва канализация объектлари учун - 500 млрд. сўм;

ирригация ва мелiorация объектлари учун - 400 млрд. сўм; соғлиқни сақлаш объектлари учун - 500 млрд. сўм;

умумтаълим мактаблари ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари учун - 800 млрд. сўм;

иктисодий фаоллик ва бандликни, шу жумладан, ипотека кредитлаш ҳажмларини оширишни таъминловчи бошқа объектлар учун.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлашни ва ўрнатилган талабларга риоя қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

16. Белгилансинки: коронавир инфекцияси билан зарарланган ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан қарантини жойлаштирилган ота-оналар (улар ўзини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшга бўлган боласини парвардиш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорига давлатчи меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади;

коронавир инфекцияси билан зарарланган ёки қарантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг отасини (унинг ўзини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш беришнинг ташаббуси билан бекор қилиш таққиланади.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

14 ёшга болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвардиш бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сонини 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 10 фоизга ошириш чораларини кўрсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимлар коронавир инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда уларнинг ойлик лавозим мошига 6 фоиз миқдорига ҳар қилмиш қўшимча тўловлар жорий қилсин;

Давлат бюджетидан молиялаштирилган ва ўз фаолиятини тўхтатган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари, спорт ва маданият муассасалари ходимларининг ҳақларини ўз вақтида тўлаб берилишини таъминласин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта мuddатда аҳолига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишни соддалаштирилган тизимини ташкил этиш чораларини кўрсин.

18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ҳафта мuddатда қуйидагиларни назарда тутиб тартибни жорий қилсин: мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг фаолияти тўхтатилган даврда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқувчиларининг ота-оналарига (улар ўзини босувчи шахсларга, васийларга, ҳомийларга) йиллик таътилдан фойдаланиш графидан қатъи назар (шу жумладан, 6 ойдан кам ишлаганларга) йиллик таътил тақдим этилади;

қарантинга оид чоралар амал қилиши даврида иш беришчилар ходимларини, айниқса ҳомилдор аёллар, кексалар, имкониёти чекланган ҳама сундуқли касалликка чалинган шахсларни; уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графидига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказишлари мумкин.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

а) банк ва тўлов тизимларининг зулуксиз ва барқарор фаолиятини таъминлаш чораларини қуйидагилар орқали қўриш: пул-кредит сибсати инструментларидан фалол фойдаланиш ҳисобига пул бозорига ҳар ойда умумий суммаси 1 трлн. сўмгача ликвидлик тақдим этиш;

банкмаълумотларини етарли миқдордаги нақд пул маблағлари билан зулуксиз таъминлашни, шунингдек, масофавий банк хизматларини ривожлантиришни рағбатлантириш;

б) тижорат банклари томонидан: туристик операторларга, меҳмонхона бизнеси субъектларига, транспорт-логистика компанияларига ва туризм тармоғининг бошқа корхоналарига, шунингдек, ташқи савдо операцияларига жорий этилган чекловлар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 трлн. сўмлик қарздорликларни тўлаш бўйича кенчиришни (жарима санкцияларини ҳисобламаган ҳолда) 2020 йил 1 октябрга қадар узайтириш;

хусусий тадбиркорлик корхоналарига тақдим этилган айланма маблағларни тўндириш учун, шу жумладан, истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан тўндириш учун қайта тикланадиган револьвер кредитлар ажратиш;

2020 йил 1 июнга қадар кредит портфелини стресс-тестдан ўтказиш, шунингдек, муаммолар кредитларининг ортчи хавфи мавжуд бўлган банкларда активлар сифатини баҳолаб бериш натижаларини тақдим этиш.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик субъектларига кредитлар бўйича фоз ҳаражатларини қоллаш учун кафилик ва компенсациялар тақдим этиш ҳажмларини оширишга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда Тадбиркорлик фаоли-

тини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси капиталлашувини 500 млрд. сўмгача оширсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ:

бир ой мuddатда "Uzbekistan airways" АЖнинг 111 млн. АҚШ долларига тенг бўлган кредитини қоллаш графидини 2020 йил учун қарздорликлар тўловини тўхтатган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда энгил бўлмайдиган қуллар (форс-мажор) ҳолатлари юзага келганлиги муносабати билан кредитлар ва улар билан боғлиқ тўловларни қайтариш шартларини қайта кўриб чиқиш бўйича "Uzbekistan airways" АЖнинг хорижий кредиторлари билан музокаралар олиб бурсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси уч кун мuddатда чекловлар амал қилидиган давр учун энгил бўлмайдиган қуллар (форс-мажор) ҳолатлари келиб чиққанлиги ҳақида расмий хабарнома эълон қилсин ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг муносабатлари асосида бир қуллик мuddатда тегишли сертификатлар бурсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси: истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ресурслари ҳажмларини мониторинг қилиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш учун уларнинг биржага қўйиш ҳажмининг ошириш чораларини кўрсин;

ўн кун мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси қўмитаси томонидан импортга харид қилинадиган ва интервенция амалга ошириладиган озиқ-овқат махсулотларининг рўйхати ва зарур ҳажмларини аниқласин;

иктимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат махсулотларининг бозорлардаги нархлари устидан қуллик мониторинг ўтказишни таъминласин ҳамда уларнинг нархларини суний ошириш, суний танқислик ва ажиотаж талабни вуқудга келтиришга йўл қўймаглик устидан қатъий назорат ўрнатсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси озиқ-овқат махсулотларини шартномалар асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда, бозорни тўлдирив ва ички бозорлардаги махсулотлар нархларини барқарорлаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун етарли ҳажмларда сотишни таъминласин.

25. Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси (А.Н.Арипов):

жорий йил 22 мартдан бошлаб икки ой давомида қуллик селектор йиғилишларини ўтказиб, ҳар бир ҳудудда коронавир инфекцияси тарқалишига қарши курашиш, саноат, инфратузилма, транспорт ва логистика, ижтимоий соҳа объектлари, савдо тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирларни ижросини батафсил муҳоама қилиб бурсин ҳамда уларнинг натижаларига қўра юзага келадиган масала ва муаммолар бўйича тезкор қарорлар қабул қилсин;

ушбу Фармоннинг ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ҳафта ахборот бериб бурсин ҳамда, зарур ҳолларда, инқирозга қарши курашишнинг қўшимча чоралари бўйича тақлифлар киритсин.

26. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

коронавир инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чораларининг амалга оширилиши, санитария-эпидемиологик ва тиббиёт муассасаларининг зулуксиз фаолиятини таъминлаш устидан шахсий назорат ўрнатсин;

тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг муносабатларини тезкорлик билан кўриб чиқиш, жойларда ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайтиришга бандликни таъминлаш бўйича қўшимча захиралар аниқлавишни таъминласин.

27. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ошиб бораётган юкларни ҳисобга олган ҳолда телекоммуникация инфратузилмасининг барқарор фаолиятини таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда аҳолига тадбиркорлик субъектлари муносабатларини қабул қилиш учун "тезкор алоқа линиялари"нинг зулуксиз ишлашини таъминласин.

28. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки коронавир инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш ҳамда унинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришга салбий таъсирини юмшатиш бўйича қўрилатган чоралар ҳақида аҳоли ўртада тизимли равишда ахборот-маърифий ишларни ташкил этсин.

29. Маъзур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низоиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 19 март

Долзарб мавзу ЭЛДАН ДАРД КЕГУСИ БИРЛАШСА УЛУС

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Ўзбекистонда беморлар сони 6 кишига етди, бозорларда саросима бошланди", дея ёзда 16 март куни биздан олислардаги "Озодлик" радиоси веб-сайти. Мен эса бозорда шу куни улар айтган саросима бошланганини кўрмадим. Ушбу "Озодлик" сайтида изох қолдирган бир юртдошимиз М.Қамбаров ва ҳам менинг сўзимни тасдиқлагандай: "Анджон бозорларида нарх-наволар ошмади. Худудий савдо ярмаркалари ташкил этилди, ваҳимага ўрин йўқ", деб ёзда. Хуллас, бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

Мамлакатимизда ушбу синодан тинч-хотиржам ўтиш учун барча чора-тадбирлар қўриляпти. Бозорларимиз ва савдо расталаримиз мўл-кўл. Ҳар бир соҳа мутасаддилари вақти-вақти билан халқимизга маълумот бериб турибди.

Таъкидлаш жоизки, ақсарият журналист ва блогерлар бу жараёнда фаоллик кўрсатиб, мамлакатдаги ҳақиқий ҳолат ҳақида халқимиз ва хорижий аудиторияга ҳаққоний маълумотлар тарқатмоқда. Хусусан, ҳуқуқшунос ва блогер Хўшнудбек Худойбердиевнинг чиқаришлари нафақат воқеликни хулоса ва ҳаққоний аса эттириш, балки халқимизга ўзига хош тушунириш беришга хизмат қилмоқда.

"Олтин қалам" миллий мукофоти соҳибаси, журналист Барно Султонова эса талабаларни текинга олиб кетган водийлик хайдовчинини мисол келтириб, ўз қанаида барчани ҳаммаёт бўлишга чакирди. "Келинг, бир-лашайлик. Бир қилиш никоб тақмай ёки тартиб-қоидага бефарқлик қилиб касал бўлса, қанча одамни сақлаб

қолади. Сақлаб қолувчи ҳам, тарқатувчи ҳам СИЗ ёки МЕН бўлишимиз мумкин", деб ёзда у.

Дарҳақиқат, бундай пайларда воқеалар жарчиси бўлган биз журналистлар, айниқса, ҳар қачонгидан ҳўшёр бўлишимиз, холислик ва ҳаққонийлик таъминлашга қатъий амал қилишимиз, ижтимоий тармоқларда бўлиб-билмай, ё бўлмас атайлаб тарқатилган асосиз гапларга тезкорлик билан муносабат билдиришимиз, асл манзарани кўрсатиб беришимиз ниҳоятда мўҳимдир.

Журналист ахлоқ-одоби, маънавияти

Реклама ўрнида

“TRAST BANK” ЖАМОАСИ

барчангизни яшариш ва янгилашни рамзи бўлмиш Наврўз умумхалқ байрами билан энг самимий тилакларни изҳор этган ҳолда муборакбод этади.

Гўзаллик ва нафосат айёми ҳар бир хонадонга шодлик ва қувонч, файзу барака улашишига тилакдошимиз.

Юртимиз тинч, истиқболимиз порлоқ бўлсин!

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки мижозлар учун барча турдаги кенг қўламли банк маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилади.

Call center: (+998 78) 140-00-88
 Веб-сайт: www.trastbank.uz
 Телеграм: https://t.me/trastbankuz
 Фейсбук: https://www.facebook.com/trastbank.uz
 Инстаграм: https://www.instagram.com/trastbank_uz/?hl=ru

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМИША ДОЛЗАРБ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2020 йил 11 март кунини янги коронавирус – COVID-19 вирусининг эпидемия ҳолати, яъни бир ҳудуд чегарасидан чиқиб, сайёрамизнинг 150 дан ортиқ мамлакатига тарқалиб улгурган пандемияга айланганини эълон қилди.

БМТ Бош қотиби А.Гутерриш жаҳон жамоатчилигини коронавирусга қарши курашишга даъват этар экан, “Пандемия бизнинг инсоният оила-си барча аъзолари ўртасида мустаҳкам ва узилмас ришталар мавжуд эканини кўрсатди”, дея таъкидлади. Шу маънода, COVID-19 вирусини янада кенг тарқалишининг олдини олиш инсониятнинг умумий ва яқдил вазифаси экани алоҳида қайд этилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелет 13 март кунги баёнотида COVID-19 коронавирусини тарқалишига қарши чораларнинг жорий этаётган ҳолатларини бундай чораларнинг инсон ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган салбий оқибатларини камайтириш юзасидан бир қатор қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириши зарурлигига эътибор қаратди. Шунингдек, COVID-19 вирусига қарши ҳоллари қайд этилган мамлакатлар ҳукуматларини тоқтатилган ва камситилган (дискриминация) ҳолатларига қарши курашиш учун барча зарур чораларни қўришга чакирди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус 2020 йил 16 март кунини COVID-19 вирусини бундан ўтказилган матбуот анжуманида “Олдимизда турган кунлар, ҳафталар ва ойлар бизнинг қатъиятими, илм-фанга нисбатан ишончимиз ва ўзаро бирдамлигимизни синовдан ўтказиш даври бўлиши тайин. Бу даврда инсоният бирдамлигининг ушбу ҳайратомуз руҳи дунё бўйлаб вирусдан кўра кенгроқ ёйилиши керак. Гарчи бир-биримиздан маълум муддатгача жисман узокроқ бўлишимиз эҳтимол мавжуд бўлса-да, биз шу вақтгача мисли кўрилмаган микёсда бирлашиш имконияти олдида турибмиз”, деди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳукумати коронавирус инфекцияси мамлакатимиз ҳудудида кенг тарқалмаслиги учун барча зарур чораларни кўрмоқда. Юртимизда Республика коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича махсус комиссияси томонидан белгиланган аниқ чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Хусусан, телевидение, радио, интернет, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқа операторлари ва бошқа шу каби илғор оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида самарали санитария-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бунда коронавирус инфекцияси тарқалишига олиб келадиган сабаб ва шартлар, шунингдек, унинг олдини олиш чоралари ҳақида фуқароларга атрофича тушунтириш берилмоқда. Инсоннинг яшаш, соғлигини сақ-

лаш ва ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қонунчилик талаблари доирасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Вирусга қарши курашишнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга таъсирини юмшатиш бўйича аниқ вазифалар бажарилмоқда.

Президентимизнинг кунини кеча матбуотда эълон қилинган “Ноширлик ва матбаа соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори биз, ноширлар учун узоқ кутилган, фаолиятимизни янги босқичларга олиб чиқишга хизмат қиладиган ҳужжат бўлди.

НОШИРЛАР УЧУН ТЕНГ ИМКОНИЯТ ЯРАТИЛАДИ

Рости, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни фақат баландларвоз гаплар, чақириклар билан омаллаштириб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, ноширлик фаолиятига кенг имконият, эркинлик берилиши, комплекс инфратузилма яратилиши керак. Қарор ноширлик фаолиятида ана шундай инфратузилма яратишга, соҳада рақобатни кучайтиришга қаратилгани билан, айниқса, аҳамиятга моликдир.

Масалан, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр этишда нархларни давлат томонидан тартибга солишни бекор қилиш қўзда тутилган. Рости, бугун мамлакат иқтисодиёти учун принципал аҳамиятга эга бўлган пахта, дон ва бошқа соҳаларда ҳам давлат буюртмаси бекор қилиниб, нархлар бозор талаблари асосида шакллантирилишига ўтилмоқда. Ноширлар мактаблар учун дарслик чоп этса, нархини ўзи мустақил белгилай олмас, соҳадаги ваколатли орган томонидан 15 фоизлик чеклов жорий қилинган эди. Энди бундан бу ёнгина талабга, ишлаб чиқариш қуввати ҳамда бошқа имкониятларимиздан келиб чиқиб нархни ўзимиз, аниқроғи, бозор белгилайдиган бўлаётми. Бинобарин, қарорда белгиланганидек, ноширлик ва матбаа корхоналари, шу жумладан, давлат буюртмасини бажарувчи корхоналар нархни шакллантириш сиёсатини бозор механизмлари асосида эркин шакллантиради.

Яна бир нарса. Таълим соҳаси учун бюджет ва махсус жағғармалар ҳисобидан китоблар чоп этилганда, давлат буюртмасини бажаришга ҳамма ҳам, масалан, норезидентлар қўйилмас эди. Яширмаймиз, мактаблар учун дарслик ва қўлачларнинг чоп этишда иштирок этиш ҳар бир ноширнинг орузи. Аммо бу жаҳада жуда катта маблағ айланиши ортидан бизга ўхшаган ноширлар, ҳатто муаллифлар ҳам давлат буюртмасини бажаришга яқин кела олмасди. Бундан ташқари, бундай буюртмаларни тўрт-бешта наشريёт, қўлидан келса-келмаса, автоматик равишда қўлга киритар, муддатда улгурмаса, икки

оёғи битта этикка тикилиб, ҳам буюртмачини, ҳам бошқа наشريётларни ҳалак қилар эди. Давлат раҳбари қарори билан бу жаравнинг давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши белгилаб қўйилгани шафқатли учун ташланган катта қадамдир. Чунки буюртмага оид эълонлар илм-ҳимидга эмас, балки очик, махсус веб-сайтда эълон қилинади, ноширлик соҳада фаолият юритаётган барча тадбиркорлик субъектларига тенг имконият яратилади. Бундай тендер, танловларда норезидентларнинг иштирок этиши, гарчи бизга улар потенциал рақобатчи бўлса-да, Ўзбекистон ноширлигининг янги инфратузилмасини яратишга, бозоримизни ҳар томонлама сифатли ва арзон китоб маҳсулотлари билан тўлдиршига, ички бозорда ноинсоф тадбиркорлар пайининг қирқилишига замин яратди. Қолаверса, соҳадаги қатор давлат наشريётлари тўлиқ хусусийлаштирилиши бу эзгу мақсадларни рўйга чиқариш имкониятини янада оширади.

Янги китоблар

БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ САРА АСАРЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Чўлпон номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи томонидан “Ўзбек болалар адабиёти олтин фондидан” сериясида чоп этилган китоблар тақдимоти ўтказилди.

Пўлат Мўминнинг “Ковоқвой ва Чаноквой”, Носир Фозиловнинг “Қаҳр ва Мехр”, Анвар Обиджоннинг “Қувонқ-қувонқ болалар”, Дилшод Ражабнинг “Йулим Кўёш томондир” китоблари шулар жумласидандир.

Тақдимотда болаларнинг ва катталарнинг сеvimли адаби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши раиси Ориф Тўхтаев, адабиётшунос олим Раҳматилла Баракаев ва бошқалар бугунги кундаги

Ўзбек болалар адабиёти ҳақида гапирди. Нашриётларда болаларга аталган китоблар чоп этиш яқин йўлга қўйилаётгани таъкидланди.

– Болалар дунёси мағзи бўш ва мазмунли саёз китобларни хушламайди, – деди фантастик ёзувчи Озод Мўмин Хўжа. – Уларни қуруқ, савиясиз асарлар билан алдаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ижодкорга болалар адабиётида қалам тебратиш мушкул. Бунинг учун ижодкор қалбан бола бўлиб яшashi керак, юрагидаги самимиятни, покликни йўқотмасли-

Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг ҚАРОРИ

ТҲЙЛАР, ОИЛАВИЙ ТАНТАНАЛАР, МАЪРАКА ВА МАРОСИМЛАР ҲАҚИДА ТҲЙЛАРНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТҲҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги № 2736-III/ҚҚ-592-III-сон Қўшма қарори, халқ депутатлари Тўшкент шаҳар Кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 489/59-5 сон қарорига мувофиқ Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишни илҳамлаштириш, намунали оилавий тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш ва ушбу масалада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ҳамда доимий мониторингинг йўлга қўйиш мақсадида халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши

- ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2736-III/ҚҚ-592-III-сон Қўшма қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
 2. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги низом 1-иловага, Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши ҳузуридаги Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича комиссияси тўзилсин ва унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
 3. Шайхонтоҳур туман ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш туман бўлими (З.Тоҳирова) ва Шайхонтоҳур туман Маданият бўлими (С.Туропов) тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни миллий кадриятларга мос тарзда илҳам ва камхарж ўтказишга эришиш учун санъаткорлар томонидан хизматлар кўрсатилишини тартибга солиш чораларини кўрсин.
 4. Шайхонтоҳур туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (У.Нарзуллаев) тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишида жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигига жиддий хавф солиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш чораларини доимий равишда кўриб борилсин.
 5. Шайхонтоҳур туман ҳокимининг ёшлар сиёсати ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш масаласи бўйича ўринбосари (Р.Қурбонов), Шайхонтоҳур тумани бош имом хатibi (Я.Абдурахмонов) билан биргаликда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар давомида муқаддас динимиз талабларига эид бўлган турли одат ва расму-русувлар ўтказилишининг олдини олиш бўйича қўшимча чораларни кўрсин, бу борада диний ташкилотларнинг ваколатли вакиллари масъулиятини янада кучайтирсин.
 6. Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши ҳузуридаги Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича комиссияси, Шайхонтоҳур туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (У.Нарзуллаев) ва Шайхонтоҳур тумани маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш бўлими (З.Тоҳирова) билан биргаликда Низом талабларидан келиб чиқиб, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ташкил этиш ва ўтказишда ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг фаолиятини ташкил этиш чораларини кўрсин.
 7. Шайхонтоҳур туман ҳокимияти матбуот қотиби-ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчи (С.Муртазакулов), “Тошкент оқшом” – “Вечерний Ташкент” газеталари ва бошқа оммавий ахборот воситаларига тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишга алоқадорлиги ҳақида ахборот тарқатиш чораларини кўрсин.
 8. Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши ҳузуридаги Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича комиссияси тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказилишининг доимий мониторингинг амалга ошириб борсин ва унинг натижаларга кўра тегишли таклифларни халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашига киритиб борсин.
 9. Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши ушбу қарорнинг ижроси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ахборот киритиб борсин.
 10. Маъруз қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар, ёшлар, нодавлат нотариот ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалаларини бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.
 11. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирида.

Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши раиси А.Тухтаев

2020 йил 10 март

Реклама ва эълонлар

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 75-уй манзилида жойлашган “YAKKA CHINOR PLYUS” ХУЖМШ номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Х.Сирожидинов номи академик лицейи томонидан 2017 йилда Алиев Жавлон Акмал ўғли номига берилган Л № 317918 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбек Миллий Академик драма театри жамоаси, Ўзбекистон санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати, халқ-аро Бобур мукофоти соҳиби

Максуд ЮНУСОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 21 март кунини ҳаво ўзаролиб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғади. Ғарбдан секундида 5-10 метр, куйайишда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 12-14, кундузи – 18-20 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 21 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратлади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Дилобар МАМАТОВА

Реклама ўрнида

Реклама ўрнида



Ўрнатили ватандошлар!

Ушбу ёрқин баҳор ва янгиланиш айёмида чин қалбдан Сизга эзгулик, меҳр-муҳаббат ва оилавийлик тотувлик тилаб қоламиз. Хонадонингиз доимо қувонч ва бахту саодатга тўла бўлсин! Наврўз байрамингиз муборак бўлсин!



“ИПАК YO'LI BANKI”
ЖАМОАСИ

НАВРЎЗ

муборак


ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

ҳамшаҳарларимизни кириб келаётган Наврўзи олам – яшариш, янгиланиш байрами билан муборакбод этади.

Бутун борлиққа янгича чирой бахш этаётган бу файзли айём юртимизга тўкинлик, хонадонларимизга файзу тароват олиб келсин.

Кўклар соғинчи, она заминга муҳаббат, Ватанга садоқат ҳисси сизларни асло тарк этмасин. Диёримиз осмони ҳамиша мусаффо, халқимиз ҳаёти эса фаровон бўлсин.

Меҳр-оқибат, эзгулик айёми қутлуғ бўлсин, азизлар!



Тошкент Оқшоми

Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонида мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
1210 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаханаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 16.15

1 2 3 4 5